

МОЛИЯ-ИҚТИСОД ВА ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА МАРКАЗ ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАСИ

I. Умумий қоидалар

1. Молия-иқтисод ва хўжалик ишлари бўйича Марказ директори ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раҳбарияти билан келишилган ҳолда Марказ директори буйруғи билан тайинланади ва Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси раҳбарияти ҳамда Марказ директорига бўйсунди.

2. Ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, Марказ Низомига ҳамда мазкур Йўриқномага амал қилади.

II. Молия-иқтисод ва хўжалик ишлари бўйича Марказ директори ўринбосарининг вазифа ва функциялари

3. Марказ директори буйруқлари ва кўрсатмалари, Марказнинг ички меҳнат тартиб қоидаларига бўйсунди.

4. Молия-иқтисод ва хўжалик ишлари бўйича Марказ директори ўринбосарининг вазифа ва функциялари қуйидагилардан иборат:

-Марказнинг Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ишлар бўлими, Умумий бўлим, Ахборот ресурслари маркази (кутубхона) ва тингловчилар учун мўлжалланган Меҳмонхона туридаги ётоқхонага раҳбарлик қилиш;

-молия-иқтисод ва хўжалик ишларини ташкил этиш;

-Марказ фаолияти бир маромда бориши учун уни керакли жиҳозлар билан таъминлаш;

-Марказ биноларидан талаб даражасида фойдаланиш, биноларни зарур таъмирлаш ва капитал қурилиш ишларини ташкил қилиш ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлаш;

-Марказнинг хўжалик шартномалари мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш, хўжалик фаолияти бўйича банк операциялари амалга оширилишини ташкил этиш;

-Марказнинг молиявий-хўжалик ишлари тўғрисидаги режалари ва ойлик, чорақлик ва йиллик ҳисоботларини тайёрлаш;

-директорнинг топшириғига кўра бошқа ваколатларни амалга ошириш.

III. Молия-иқтисод ва хўжалик ишлари бўйича Марказ директори ўринбосарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5. Молия-иқтисод ва хўжалик ишлари бўйича Марказ директори ўринбосарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

-Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонунини, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни, таълим тўғрисидаги ҳукумат қарорларини, таълимни ривожлантириш стратегияларини, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунни, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси таълим муассасаси фаолияти, унинг юритилиши ва ривожланишининг иқтисодий асосларини ташкиллаштириш ва яхшилаш ҳақидаги буйруқлари, топшириқлари, йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларни билиш ва амалда татбиқ қилиш;

-жамоани бошқаришнинг самарали шакллари ва усуллари ҳамда ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш низомларини чуқур билиш;

-Давлат статистика органлари кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари мазмунини ва уни амалга ошириш механизмларини билиш;

-илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва уларни татбиқ этиш усулларини, Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш усуллари, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини таъминлаш;

-таълим муассасаси фаолиятини молиявий-иқтисодий таҳлил қилиш, мазкур масалада энг аҳамиятли муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишнинг самарали йўллари белгилаш;

-Марказнинг молиявий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ва бизнес режасини ишлаб чиқиш, молиявий манбаларни шакллантириш ва амалга оширилишини таъминлаш;

-ишчи йиғилишлар, суҳбатларни олиб бориш. Замонавий технологиялар асосида дастурларни амалга оширишнинг молиявий-иқтисодий масалалари мониторингини олиб бориш ва ташкил этиш;

-жамоада соғлом психологик иқлимни яратишда иштирок этиш.

IV. Молия-иқтисод ва хўжалик ишлари бўйича Марказ директори

ўринбосарига малака талаблари

Таълим муассасаси йўналиши ва тегишли билим соҳаси бўйича олий маълумот;

-таълим муассасаси йўналиши бўйича иш стажи 5 йилдан кам эмас;

-малакавий даража - катта ўқитувчидан кам эмас.

Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда иш стажи талаб қилинмайди.

V. Молия-иқтисод ва хўжалик ишлари бўйича Марказ директори

ўринбосарининг жавобгарлиги

6. Молия-иқтисод ва хўжалик ишлари бўйича Марказ директорининг ўринбосари Марказ Низомида, ушбу лавозим йўриқномасида ўзига

юклатилган вазифалар, функциялар ва мажбуриятларни тўлиқ ўз вақтида ҳамда сифатли амалга оширилиши, ўзига берилган ваколатлар ва ҳуқуқлардан қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилиши, шунингдек Марказ ички меъёрий ҳужжатлари талаблари, юқори ташкилот қарорлари, буйруқлари, кўрсатмалари ва топшириқларини тўғри ва аниқ бажарилиши учун жавоб беради.

7. Марказ директорининг молиявий-иқтисодий ва хўжалик ишлари бўйича ўринбосарининг қайд этилган вазифалари, функциялари ва мажбуриятларини талаб даражасида бажармаслиги ёки бажаришдан бош тортиши, ваколатлари ва ҳуқуқларидан нотўғри фойдаланиши, Марказ ички меъёрий ҳужжатлари талаблари, юқори ташкилот қарорлари, буйруқлари, кўрсатмалари ва топшириқларини ижро этмаслиги оқибати хусусиятига қараб амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилишига олиб келади.